

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШҚОБИЛОВ АБДИВАЛИ КАЗАКОВИЧ

**ЎЗБЕК БАЛЛАДАСИНИНГ НАЗАРИЙ-ПОЭТИК ТАҲЛИЛИ
(XX асрнинг 70-90-йиллари мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
Sciences**

Эшқобилов Абдивали Казакович

Ўзбек балладасининг назарий-поэтик таҳлили (XX асрнинг
70-90-йиллари мисолида) 5

Эшқобилов Абдивали Казакович

Теоретико-поэтический анализ узбекской баллады (на примере
70-90-х годов XX века) 23

Eshqobilov Abdivali Kazakovich

Theoretical and poetic analysis of Uzbek ballads (in the example of
1970-1980 XX century) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШҚОБИЛОВ АБДИВАЛИ КАЗАКОВИЧ

**ЎЗБЕК БАЛЛАДАСИНИНГ НАЗАРИЙ-ПОЭТИК ТАҲЛИЛИ
(XX асрнинг 70-90-йиллари мисолида)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.2.PhD/Fil808 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Умуров Ҳотам Икромович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Йўлдошев Бойназар филология фанлари доктори, профессор
	Каримов Баҳодир Нурметович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «7» октябрь соат 11.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 139-18-92; факс:(8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (52 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «23» сентябрь куни тарқатилди. (2020 йил «23» сентябрдаги 58 -рақамли реестр баённомаси).



КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида жанрлар тарихи ва назарияси билан боғлиқ илмий масалаларнинг ҳал этилишига доир тадқиқотлар орасида баллада жанрининг тараққиёт тадрижи, адабий жанрлар таснифидаги ўрни ва роли, поэтик хусусиятлари борасидаги изланишлар салмоқли ўрин эгаллайди. Адабиётшуносликда жанрлар тарихи ва назариясини ўрганмасдан туриб миллий адабий жараённинг тарихий қонуниятларини ва уларнинг муайян ижодкорлар ижодида намоён бўлишини ўрганиш ва тадқиқ этиш мушкул. Шу сабабли ҳозирда замонавий адабиётшуносликда шеърини баллада жанрини назарий поэтик жиҳатдан тадқиқ этиш, ҳар томонлама чуқур ўрганишни талаб қиладиган муҳим илмий масалалардан ҳисобланади.

Жаҳон адабиётшунослигида баллада поэтикаси ва унинг илмий-назарий хусусиятларини ўрганишда адабий турлар ва жанрлар муаммосига бағишланган тадқиқотларнинг назарий ҳамда амалий сабоқлари ва хулосаларига асосланиш муҳим ўрин эгаллайди. Кузатишлар натижаларидан келиб чиқиб, индивидуал характерга эга бўлган, воқеабанд сюжетда драматизм, хулосада қутилмаган ечим билан хотима топадиган асарларга нисбатан баллада атамасини қўллаш зарур. Зеро, баллада жаҳон адабиёти ютуқлари ва маълум даражада халқ оғзаки ижоди асосида миллий заминда етишган адабий ҳодисадир. Жанр ўзининг тарихий илдизлари билан миллий адабиёт тарихига таянади. Бинобарин, XX аср ижодкорлари ижоди мисолида жанрнинг ўзига хосликларини очиб бериш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек адабиётшунослиги Истиқлол йилларида адабиёт назарияси ва ҳозирги адабий жараён масалаларини тадқиқ этишда катта муваффақиятларга эришди, аммо баллада жанрининг илмий тадқиқи, генезиси, тадрижий тараққиёти ва бадиий назарий поэтикасини ўрганишга бағишланган монографик пландаги илмий тадқиқотлар етарли эмас. Мавзуга оид М.Иброҳимовнинг ягона “Ўзбек балладаси” (1974) монографияси ўтган асрнинг етмишинчи йиллари арафасигача бўлган даврни қамрайди. Дарҳақиқат, ушбу жанрнинг сўнгги, қарийб ярим асрлик тарихи мобайнидаги назарий поэтикасини ўрганиш, типологиясини аниқлаш, жанр тарихининг айрим масалаларига ойдинлик киритиш адабиётшунослик фани олдида турган зарур вазифалардандир. Зеро, “...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”.¹

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-

¹Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // "Халқ сўзи", 2017 йил, 4 август.

сон, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” ПФ-5847-сон Қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида баллада жанри поэтикасига оид бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, хорижий олимлардан Д.М.Балашов, И.М.Бекатова, М.М.Гайдай, Г.Х.Гильманов, Л.Голдберг, В.М.Жирмунский, Н.М.Иезуитова, М.А.Копилова, К.К.Лекеров, И.Ф. Штейнер, Р. Элман, Р.Уэллек, О.Уоррен, Г.Гессе ва бошқаларнинг асарларида, шунингдек, ўзбек адабиётшунос олимларидан М.Иброҳимовнинг “Ўзбек балладаси”¹ монографияси ва В.Г.Ларцев², В.Б.Лагутов³, У.Норматов⁴ мақолалари ҳамда Н.Шукуров⁵, Қ.Йўлдошев⁶, Д.Ҳожиметов⁷, И.Ғафуров⁸, Ҳ.Умуров⁹, А.Улуғов¹⁰, Б.Каримов¹¹, Б.Йўлдошев¹², Д.Тўраев¹³,

¹ Ибрагимов М. Ўзбек балладаси, -Тошкент: Фан.-200 б.

² Ларцев В.Г. Баллада в современной поэзии// Звезда Востока, 1963.-№9.- С.123-134.;

³ Лагутов В.Б.О некоторых художественных мотивах жанра исторической баллады // Вопросы теор-рии и истории литературы: сборник статей, Самарканд: 1974.-С.76-79.

⁴ Норматов У. Балладада замон ва калб драмаси// Шарқ юлдузи.-1967.-№3.- 184-192 б.

⁵ Шукуров Н. Сўз сеҳри, шеър меҳри.- Самарканд, “Зарафшон”, 1992.- 216 б.

⁶ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. -Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006.- 143-170 – б.

⁷ Ходжиметов Д. Некоторые мысли об узбекских военно-патриотических балладах// Труды СамГУ, 1980.- Выпуск 6.-С.113-121

⁸ Ғафуров И. Шеърят изланиш демак.-Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984.-222 б.

⁹ Умуров Ҳ. Таҳлил чизгилари.-Тошкент: “Мухаррир”, 2013.-214 б.

¹⁰ Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси.-Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.-263 б.

¹¹ Баҳодир Карим.Рухият алифбоси.-Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашр-матбаа ижодий уйи, 2018.-239 б.

¹² Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида услуб ва маҳорат муаммолари (60-70-йиллар): Филол. фан. доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б. 42

¹³ Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004. – 41-60 б.

Ш.Ҳасанов¹ кабиларнинг китоб ва мақолаларида ўзгараётган бадий тафаккуримиз ва миллий маданий муҳит таъсирида яратилган баллада жанрига доир илмий фикрлар баён этилган.

Сўнгги йилларда бир қатор диссертациялар ва бошқа тадқиқотларда ўзбек шеърятининг намуналари, изланишлар турли лиро-эпик ва лирик жанрлар нуктаи назаридан таҳлилга тортилган. Бироқ, баллада жанри тарихи ва назариясини тадқиқ қилиш бош мақсад қилиб олинмаганлиги туфайли тадқиқотларда мазкур масалалар ушбу жанр доирасида ўрганилмаган². Шу сабабли ҳам ўзбек шеърятида XX асрнинг 70-90-йилларида яратилган балладалар назарий-поэтик жиҳатдан ҳолисона чуқур тадқиқ ва таҳлилга, янгидан-янги илмий изланишларга муҳтож.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” ҳамда “Замонавий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Истиқлол мафкураси нуктаи назаридан ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигида баллада жанрини ўрганишга оид тадқиқотлар хулосаларини умумлаштириш, илғор назарияларни илмий идрок этиб такомиллаштириш, ўтган асрнинг 70-90-йилларидаги баллада жанри тараққиёти тамойилларини, бадииятида миллий-ўзига хослик ва бадий тарихийлик сақланишини ва ривожланишини, шакл ва мазун эврилишларини, муаллифлар маҳоратини назарий поэтик жиҳатдан таҳлил қилиш, хулосалаш ва жанр тарихига айрим ойдинликлар киритиб, янги

¹ Ҳасанов Ш. Замонавий дoston поэтикаси. Монография. Самарқанд: 2001. – 142 б.

² Ҳайитов А. 90-йиллар ёшлар шеърятида анъанавий ва шаклий изланишлар: Филол.фанлари номзоди... диссерт. -Тошкент: 2003.; Қувватова Д. XX аср иккинчи ярмида ўзбек поэмаси. Монография. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2014. – Б. 59-72.; Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятининг асосий хусусиятлари: Филол. фан. номз... диссерт. автореф. – Тошкент: 2004.; Дониярова Ш.Х. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий рух ва қаҳрамон муаммоси: Филол. фан. докт. ... диссерт. автореф. – Тошкент, 2012. –38 б.; Каримова Ш. Ўзбек шеърятида поэтик тасвир ва лирик қаҳрамон талқини (Жуманиёз Жабборов шеъряти мисолида): Фил.фан.номз... диссерт. – Тошкент, 2012. – 138 б.; Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. – Тошкент: Akademnashr, 2016; Хамдамов У.А. XX аср ўзбек шеъряти бадий тафаккури тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Филол.фанлари доктори (DSc) диссерт. автореф. –Тошкент, 2017.; Куронов С. Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси (шеърят ва рангтасвир санъатлари мисолида): Фил.фан...фалс.докт.(PhD) автореферат. – Фарғона, 2018.; Абдурахмонов А. Ўзбек шеърятида нур, ранг ва руҳият тасвири поэтикаси (анъана ва новаторлик асосида): Фил.фан...фалс.докт. (PhD) автореф. – Фарғона, 2018.; Холова М.А. Ўзбек модерн шеъряти поэтикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссерт.автореф.-Самарқанд, 2018.; Адабиёт – Ватандай муқаддас. Шоир Усмон Азим билан суҳбат. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2018, 9- ноябрь; Тажибаев Д. XX асрнинг сўнгги чораги ўзбек шеърятида поэтик услуб муаммолари. Фил.фан. фалс. доктори (PhD) диссерт. автор. –Фарғона, 2018.; Умирова С. Ўзбек шеърятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеъряти мисолида). Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссерт. автор. –Самарқанд, 2019 ва бошқалар

асарлар ва номларни, унутилган матнларни жалб этган ҳолда, илмий истъеъмолга киритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон ва миллий адабиётшуносликда мавжуд илғор назарияларни ва илмий тадқиқотларни ўрганиш, идрок этиш ва хулосаларини умумлаштириш асносида баллада жанрини адабий-эстетик ҳодиса сифатида тарихий-ҳаётий асосларини, унинг XX асрнинг 70-90-йилларидаги ва Истиклол даври ўзбек шеъриятида, ретроспектив планда жаҳид балладаларини таҳлилга жалб этган ҳолда, ривожланиш қонуниятларини ўрганиш ҳамда ўрни ва аҳамиятини белгилаш, жанр тарихига оид айрим қарашларга аниқлик киритиш;

тадқиқот давридаги баллада жанрининг назарий поэтикасида миллий руҳ ва ўзига хосликнинг намоён бўлишини ҳамда ривожлантирилишини, жанр поэтикасида анъанавий бадиий-тарихийлик сақланишини ва фарқли жиҳатларини ўрганиш, жанрга хос белгиловчи янги хусусиятларни аниқлаш, образ яратиш усул ва йўсинларини кўрсатиш;

лиро-эпик шеърлар жанрини шакллантирувчи ва фарқловчи бадиий унсурларнинг аҳамияти ва ўрнини қайд этиш, жанрни ўхшаш шакллардан фақловчи мезонларни назарий жиҳатдан асослаш;

Мустақиллик даври шеъриятида балладанавис шоирлар ижодидаги бадиий изланишлар, миллий ўзига хослик борасидаги муҳим ижодий топилмаларни назарий-поэтик жиҳатдан ўрганиш, жанрнинг тараққиёт эволюцияси тамойилларини белгилаш, янги номлар ва асарларни, улар қаторида унутилган матнларни, илмий-адабий истъеъмолга киритиш.

Тадқиқотнинг объекти. Диссертацияни ёзишда Абдулла Орипов, Усмон Азим, Азим Суён, Сайёр, Сафар Барноев, Муҳаммад Юсуф, Иқбол Мирзо, Ҳалима Аҳмедова, Аъзам Ўктам, Чори Аваз ва бошқа шоирларимизнинг лиро-эпик балладалари асосий манба қилиб олиниб, таҳлилга тортилди, мавзуга доир М.Иброҳимов концепциясига кенг муносабат билдирилди. Шунингдек, баъзи ижодкорларнинг турли ижтимоий-фалсафий сабабларга кўра ўрганилмай келинаётган, “унутилган” асарлари қаторида жаҳид шоирларнинг балладалари ретроспектив аспектда, замонавий миллий шеъриятимизда жанр тарихининг айрим масалаларига ойдинлик киритиш мақсадида, ўрганилди ва хулосалар чиқарилди.

Тадқиқотнинг предмети. Диссертацияга объект қилиб олинган 70-90-йиллар ўзбек балладаси, унинг назарий поэтикасидаги жанрни асосий белгиловчи хусусиятларига таъсир кўрсатганини намоён этилишига нисбат берадиган унсурлари, жанрга мансуб матнларнинг ўзига хосликлари тадқиқотнинг предметини ташкил қилади. Шунингдек, ўрганилган давр ҳамда ҳозирги адабий жараёндаги илмий асарлар, мақолалар, бадиий асарларга кириш сўзлар кабилар шоирларимиз бадиий изланишлари юзасидан илмий хулосалар чиқаришда предмет вазифасини ўтайди.

Тадқиқот усуллари сифатида бадиий матн таҳлилининг назарий-поэтик, қиёсий-тарихий, поэтик-структур, адабий-биографик ҳамда лингвопоэтик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

масала монографик планда шу тарзда биринчи марта қўйилган ва тадқиқот манбаи сифатида адабиётшуносликда ўрганилмаган яхлит давр ҳамда алоҳида ижодкорлар асарлари танланган;

жаҳон ва ўзбек адабиёти учун типологик ҳодиса бўлган баллада жанри муаммосининг ҳозирги ўзбек адабиётидаги ўрни назарий-поэтик, поэтик-структур ва бошқа методларидан фойдаланиш асосида белгиланган, бугунги ўзбек шеъриятида жанр ривожига янгилашлар ёритилган ҳамда бадиий-эстетик вазифаларининг аҳамияти асосланган;

турли ижтимоий-маданий ҳамда фалсафий сабаблар билан адабиётшуносликда “унутилган” матнларни, жумладан, жаҳид балладаларини ҳам таҳлилга жалб этиш орқали жанр тарихининг айрим масалалари аниқланган ва тўлдирилган, янги асарлар, янги номлар ва мавжуд тушунчалар кенг илмий истеъмолга киритилган;

замонавий баллада поэтикасининг етакчи унсурларига асосий эътибор қаратилган ва назарий поэтикасидаги янги жанр белгилари илмий таърифланган, уларнинг тасвир воситалари маъно ва вазифаларига кўра тасниф этилган, мавзу йўналишидаги ворисийлик ва новаторлик каби назарий масалаларнинг моҳияти аниқланган;

баллада жанри бўйича жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида шу пайтга қадар амалга оширилган тадқиқотлар натижалари, лиро-эпик шеърнинг поэтик хусусиятлари юзасидан илмий-назарий материаллар умумлаштирилган ва хулосалар чиқарилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқотда XX асрнинг 70-90-йилларида яратилган ўзбек балладасининг энг ёрқин типик намуналарининг тарихий-ҳаётий асослари назарий-поэтик таҳлил асосида, ўз даврида яратилган илмий тадқиқотлар хулосалари, концепциялари инобатга олинган ҳолда, муайян тарихий даврда ўзбек шеъриятидаги ўрни ва аҳамияти белгиланган;

ўзбек лиро-эпик шеъриятида адабий баллада жанрини яратиш усул ва йўсинлари кўрсатилиб, шеърлар таркибида тарихий-ижтимоий манбаси, поэтик тилининг ўзига хосликлари, бадиий-тарихийликнинг сақланиши ва ривожлантирилиши, миллий ўзига хослик ва мавзу хилма-хиллигининг ўрни аниқланган ва бир қатор шоирларнинг тадқиқотчилар назаридан четда қолган асарлари, ретроспектив аспектда жаҳид шоирларининг балладалари ҳам, таҳлилга жалб этилган ҳолда, жанр тарихининг айрим масалаларига ойдинлик киритилган ва жанр тарихи тўлдирилган;

Мустақиллик даври ижодкорларининг ижодий тажрибалари баллада жанри назарий поэтикасининг тадрижи аспектида яхлитлаштириш туфайли шакл ва мазмун жиҳатдан жанрнинг янги кўринишлари ҳам яратилаётганлиги илмий асосланган, янги балладанавис ижодкорларнинг номлари ва асарлари илмий-адабий истеъмолга киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги XX асрнинг 70-90-йилларидаги баллада жанрининг назарий поэтик ўрганилишига нисбатан қўлланилган илмий ёндашув, тадқиқот мобайнида қўлланилган тадқиқот методларининг илмий-назарий асосланганлиги, тадқиқот объекти ва

предмети манбаларининг маълумотлари расмий оммавий нашрлардан олинганлиги, амалга оширилган таҳлилларнинг назарий-поэтик, қиёсий-тарихий, поэтик-структур, адабий-биографик ҳамда лингвопоэтик таҳлил методлари воситасида илмий асосланганлиги, тадқиқот ҳосиласи сифатида олинган назарий хулоса ва натижаларнинг ваколатли ижтимоий тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, замонавий жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан далилланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти баллада жанри тарихи ва назариясини яратишда, хусусан, тасвир объекти ва субъекти, ўхшаш жанрлардан фарқлаш мезонлари масалаларига ойдинлик киритишда, жанрнинг замонавий ривожланиш қонуниятларини, баллададаги образларнинг бадиий-эстетик табиатига дахлдор масалаларни назарий қиёсий ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртлари учун адабиётшуносликка оид дарслик ва қўлланмалар яратишда, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларини ёзишда, олий таълимда ва академик лицейларда ҳозирги ўзбек адабиёти фанидан баллада жанрининг бадиий хусусиятларини ўргатишда, шунингдек, замондош ёзувчиларимиз ижодига хос янгиланишлар тизимини ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий ўзбек балладасининг назарий поэтикасини таҳлил этиш жараёнида олинган натижалари асосида:

баллада жанрининг назарий поэтик таҳлили бағишланган тадқиқот материалларидан 2008-2010 йилларда бажарилган ХТ-Ф2-004 рақамли “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги ёш олимлар фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 89-03-1885-сонли маълумотномаси). Натижада балладанавис шоирлар миллийликни баллада жанри талқинида поэтик ифодасини кўрсатганлиги фольклор анаъаналарининг сақланиши ва ривожлантирилиши масалаларини ёритишга хизмат қилган.

замонавий ўзбек шеъриятида баллада жанри поэтикаси таҳлилларидан 2014-2015 йилларда бажарилган И-204-4-5 рақамли “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион лойиҳа бажарилишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 89-03-1885-сонли маълумотномаси). Натижада жаҳон ва ўзбек шеъриятида баллада жанрига оид матнларда акс этган нутқий актларни дискурсда воқелантирувчи этнопрагматик омиллар таҳлили “Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш” каби фанларнинг назарий масалаларини тўлдириш имконини берган;

тадқиқот мавзуси юзасидан нашр этилган монография ва мақолалар натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги тавсияси

билан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” дарслигининг лойиҳаси бажарилишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 89-03-1885-сонли маълумотномаси). Натижада миллий ғоянинг ривожланиб бориши адабиётимизда баллада матнларида ҳам акс этганлигидан дарслик ёзилишида ва назарий бойитишда фойдаланилган.

бугунги шеърятда кечаётган бадиий жараёнлар ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят худудий бўлинмаси қошидаги “Садоқат” ижодий тўғарагидаги ёш ижодкорларга маърузалар қилинган. (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 17 мартдаги 25-сон маълумотномаси). Натижада илмий хулосаларнинг амалиётда қўлланилиши тўғарак аъзоларининг лиро-эпик шеър поэтикасини теранроқ англашларига кўмаклашган, семинарларнинг илмий-оммабоплигини таъминлаб, янги манбалар билан бойитишга имкон яратган;

диссертация материалларининг якуний натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маънавият ва маърифат” телеканалининг “Замонавий ўзбек адабиёти ва Тоғай Мурод ижоди” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда ва Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Китоб ва китобхонлик” мавзусидаги туркум дастурлари доирасида фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 17 мартдаги 09-01-45-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг мазмун-мундарижаси янги манбалар воситасида тўлдирилиб илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда илмий янгилик лар манбалар билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари юзасидан 4 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 4 та, хорижий нашрларда 5 та, республика миқёсидаги тўпламларда 10 та илмий мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети белгиланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг “**Баллада жанри назариясининг ўрганилиш тарихи масаласига доир**” деб аталган биринчи боби икки фаслдан иборат. Бобнинг биринчи фасли “*Баллада жанрининг ўзига хосликлари ва адабиётшунослик*” деб номланиб “баллада” атамаси билан тавсифланадиган адабий-бадий ҳодисаларнинг тарихи ўрганилиб, тушунчага берилган назарий таърифлар илмий умумлаштирилган.

Баллада жанрини рус шеърияти мисолида ўрганишга бағишланган Н.П.Андреевнинг “Рус балладаси” тўпламига ёзилган илк кириш сўзида жанрнинг тахминий белгилари баён қилинади: воқеабандлик омили аниқ ифодаланган қўшиқлар, уларда драматик зиддият чўққига кўтарилади.

Бу масаланинг илмий тадқиқи кейинги босқичда Д.М.Балашов, Н.И.Кравцов каби олимлар ишларида ривожлантирилади. А. Бюргер Гёте ва Шиллер каби даҳо шоирларнинг балладаларини ўта кўтаринки руҳда шарҳлайди. Гёте ва Шиллер ортидан баллада жанрига Д. Байрон, Г.Гейне, В.Гюго, А.Мицкевич ва Ю.Словацкийлар мурожаат қилишиб, миллий адабий баллада намуналарини ривожлантиради.

Диссертацион тадқиқотимизнинг рефератланаётган мазкур фаслида ҳозирда жаҳон адабиётшунослигининг мумтоз асарларига айланган Ю.Тиняновнинг “Архаистлар ва новаторлар”, Б.В.Томашевскийнинг “Адабиёт назарияси. Поэтика” ва “Шеър ва тил” илмий асарларини, Г.А.Гуковскийнинг “Пушкин ва рус романтиклари”, В.Базановнинг “Декабристлар адабиёти очерклари. Шеърият”, Д.Благойнинг “Пушкиннинг ижодий йўли”, Б.С.Мейлахнинг “Пушкин ва унинг замонаси” ва бошқа қатор монографияларнинг мавзуга оид жиҳатлари таҳлил қилиниб, хулосалари умумлаштирилди.

70-йилларда баллада жанри назарияси ва тарихига оид илмий жиҳатдан қизиқарли ва аҳамиятли тадқиқотлар пайдо бўлади. Н.В.Измайлов, И.М.Семенко, Т.И.Сильман, Р.В.Иезуитова, Н.А.Лобкова, А.М.Микешин, С.А.Матяш, Б.А.Лозовой, А.С.Янушкевич, В.Г.Ларцев, В.Б.Лагутов, М.Иброҳимов ва бошқаларнинг тадқиқотлари эълон қилинади.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек адабиётшунослиги фанида баллада жанри генезиси, тадрижий тараққиёти ва бадий поэтикасини ўрганишга бағишланган монографик пландаги илмий тадқиқотлар мавжуд эмас. Ҳозирда ХХ асрнинг сўнгги чораги, 70-90-йиллар, Мустақиллик даври балладанаислиги бўйича айрим мўъжаз мақолалар ва обзор тарзидаги баъзи шарҳ ҳамда кичик қайдлар инобатга олинмаса, яхлит илмий тадқиқотлар умуман яратилмаган. Мавзу бўйича М.Иброҳимовнинг “Ўзбек балладаси” (1974) рисоласи бугунги қадар ягона яхлит тадқиқот хисобланади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “*Замонавий ўзбек балладалари ва миллий балладашуносликнинг тамойиллари таҳлили (М.Иброҳимов концепцияси асосида)*” деб номланиб унда баллада жанри назариясининг ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиши, хусусан, ҳозиргача миллий адабиётшунослигимизда ягона монографик тадқиқот бўлиб турган Мурод Иброҳимовнинг ўтган асрнинг 70-йиллари арафасигача яратилган баллада

жанри тадқиқига бағишланган “Ўзбек балладаси” (1974) монографияси¹ ва олимнинг илмий концепцияси ҳамда Мустақиллик даври адабиётшунослигида лиро-эпик жанрларни ўрганишга бағишланган тадқиқотларда балладага оид, жуда оз миқдорда бўлса-да, учрайдиган ёндошувлар илмий умумлаштирилиб, аналитик таҳлил қилинди.

М.Иброҳимовнинг ўзбек балладаси борасидаги концепциясига бугунги кун нуқтаи назаридан қаралганда, бир қатор ютуқлари билан бир қаторда, айрим баҳсталаб, мулоҳазали ўринлари ҳам борлиги маълум бўлиб қолади. Чунки ўтган қирқ беш йил давомида назарий адабиётшунослик борасида ўнлаб тадқиқотлар амалга оширилди, жаҳон адабиётшунослигида жанрлар назариясини ўрганиш тараққий этди, бадиий-эстетик мезонлар ўзгарди.

Диссертацияда олимнинг ўз тадқиқотида оригинал илмий концепция яратишга муваффақ бўлганлиги ҳамда амалда ўзбек балладашунослиги соҳасининг таъмал тошини қўйганлиги таъкидланди ва унинг хизматлари эътироф этилди. Шу билан бирга, бу илмий концепцияда жанрнинг шакл ва мавзу жиҳатдан таснифланиши, жанр шакллантирувчи хоссалари борасидаги фикрлар ишонарли даражада илмий асосланган бўлса-да, мумтоз адабиётимиз намуналарига нисбатан “баллада” атамаси ўта кенг маънода қўлланилганлигига, масалан, Ҳазрат Навоий қисса ва ривоятларининг “Навоий балладалари” тарзида номланишига ва бошқа қатор маълум ва машҳур асарларни ҳам лиро-эпик жанрнинг айрим хусусиятларига эга эканлигидан келиб чиқиб ушбу жанр номи билан аталишига нисбатан, илмий асосланган эътирозлар билдирилди.

Замонавий ўзбек шеърисида баллада жанри тарихини яратар экан, олим ўз даврининг мафкуравий талаби ва тазйиқи таъсирида қатор илмий-адабий далилларни четлаб ўтади. Бунинг натижасида М.Иброҳимов концепциясига ҳукмрон мафкура нуқси уриб, ўз-ўзидан янги давр балладасининг пайдо бўлиш тарихи, юмшоқ қилиб айтганда, хатолик билан яратилади. Ана шу каби қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра, замонавий ўзбек шеърисида илк баллада, яқин-яқингача академик И.О.Султонов фикрига таянилиб, Ғафур Ғуломнинг 1927 йилда яратилган “Эски турмуш” (“Сурнай”) шеъри ҳисобланиб келинади.² Бизнинг илмий ишимизда юртимиз Мустақиллиги шарофати билан ўрганишимизга имконият туғилган жадид шоирлари асарлари орасида баллада жанрига мансуб асарлар мавжудлиги аниқланди. Устоз адабиётшунос Озод Шарафиддинов ҳақли равишда таъкидлаганларидек, “янги шеърисда (жадид шеърисида-А.Э.) бармоқ вазнидаги жанрларга ҳам кенг мурожаат қилинган”³. Ҳақиқатан, ўрганишлар Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Ҳамза, Боту, Элбек каби жадид шоирларининг баллада жанри назариясининг талабларига тўлиқ жавоб берадиган қатор асарлар яратишганликларини, айримларини бевосита жанр кўрсаткичи номи билан ҳам эълон қилишганликларини кўрсатди:

¹ Ибрагимов М. Ўзбек балладаси.-Т.: Фан, 1974.-200 б.; Мангу барҳаёт балладалар// Ўзбек тили ва адабиёти.-1969, №6.- 35-37 бб.; Шайхзоданинг балладалари ҳақида // Шарқ юлдузи.-1974, №5.-209-210 бб.

² Ўзбек адабиёти тарихи очерки. Т.: Ўз ФА нашри, 1961, - 91 б.

³ Озод Шарафиддинов: <http://e-adabiyot.uz/kitoblar/maqolalar/263-jadid-adabiyoti.html>

Ботунинг “Кўклам” (1925), “Ўткан кунлар” (1925), “Ғоя йўлида” (1925); Элбекнинг “Ўлим”(1925), “Йўқлаш” (1935), “Аноржон” (1936) балладалари ва бошқалар. Илмий мантқдан келиб чиқилиб, ишнинг ушбу фаслида бу ва бошқа бир қатор асарларга батафсил тўхталиб, эълон қилинган манбалари, назарий поэтикасига хос асосий хусусиятларини таҳлил қилиб, алоҳида ўрганилди ва замонавий ўзбек шеърлятида жанрнинг илк намунаси сифатида Чўлпоннинг “Пўртана” (1920)¹ балладаси эътироф этилди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“70-80-йиллар ўзбек балладаси поэтикаси”** деб номланган. Бобнинг биринчи фасли *“Ўзбек балладаси поэтикасида бадиий-тарихийлик (А.Орипов ва А.Суюн балладалари мисолида)”* деб юритилиб, унда баллада жанри замонавий ўзбек адабиётининг йирик намоёндалари А.Орипов ва А.Суюнларнинг ўтган асрнинг 70-80-йилларида яратилган лиро-эпик асарлари асосида ўрганилган .

Етмишинчи-саксонинчи йиллар ўзбек балладаси поэтикасида жанрнинг ўтмишдаги шаклига хос барқарор анъаналарни сақлаган ҳолда, мазмунан туб ўзгаришларга юз тутди. Бу пайтда ўзбек шеърляти осмонида ёрқин юлдуз бўлиб порлаган Абдулла Орипов, Усмон Азим, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Азим Суюн каби шоирлар қаламига мансуб балладалар поэтикасида бадиий-тарихийлик, миллий ўзига хослик хусусиятлари билан бойитилганлиги бу ҳолни типик бадиий-эстетик хусусиятлар сифатида баҳолашни тақозо этади.

70-йиллар ўзбек шеърлятига ўз овози билан кириб келган ижодкорлар орасида Абдулла Орипов ижоди аксарият асарлари тили, лирик хоссалари, жанри ва поэтикаси жиҳатдан кенг ўрганилган.² Бироқ унинг айнан балладаларининг назарий поэтикаси мутахассислар томонидан эътибордан чет қолдирилган.

Абдулла Ориповнинг тўпламларига киритилган 70-80-йилларда яратилган балладаларини хронологик тартибда қуйидагича келтириш мумкин: “Қасам дара”, “Шошмаслик ҳақида баллада”, “Эътиқод”, “Қасоскор ҳақида баллада” ва бошқалар. Бу рўйхатда кўзга бирдан ўзига хослик ташланади: баллада жанри сифатида таъкидланган шеърлар ва жанр кўрсаткичи қўйилмаган шеърлар. Тадқиқотда келтирилган асарлардан баллада жанр кўрсаткичига эга бўлмаган, аммо ҳеч бир шубҳасиз, баллада бўлганлари кўриб чиқилди. Бу “Қасам дара” ва “Эътиқод” асарларидир. Бу асарларни ёрқин намоён бўлиб турадиган, баллада жанри қонуниятларига кўра, жанрни шакллантирувчи унсур ҳисобланадиган афсонавийлик бирлаштиради. Бундан ташқари шеърлар матнида муаллиф “афсона”

¹ Кўрс. Манба.-53 б.

² Шарафиддинов О. Талант - халқ мулки. -Тошкент, 1979, 158-171-бетлар (“Шеърлят - қалб ёлқини” мақоласи); Кўшжонов М. Онажоним шеърлят (А.Орипов ижоди ҳақида). -Тошкент, “Ўқитувчи”, 1984, 40-бет; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. Монография. Бухоро, 1994- 102-бет; Шу муаллиф. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. НДА. - Тошкент, 1997, 26-бет; Назаров Б. Абдулла Орипов. Адабий портрет. “XX аср ўзбек адабиёти тарихи”, дарслик. -Тошкент, Ўқитувчи, 1999, 462-482-бетлар; Жабборов И. Абдулла Орипов шеърлятида тарихий шахс талқини.--Тошкент, «Фан» нашриёти, 2008,- 5 б; Кўшжонов М, Мели С. Абдулла Орипов. Монография. -Тошкент, 1997, 26-бет; Эрназарова Г.Ҳ. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини (Чўлпон, Ғ.Ғулом, А.Орипов шеърляти мисолида). НДА. -Тошкент, 2001, 30-бет;

атамасини қўллайди. Биринчи балладада (“Қасам дара”) атама бевосита матнга сингдирилган. Афсоналар сўйлайди такрор // Менинг чакмоқ дилимга дара; иккинчи асарда (“Эътикод”) сарлавҳа остида келтирилади: “Шу куннинг ривояти”. Уларни жаҳон адабиётидаги мумтоз балладалар билан типологик-қиёсий планда таҳлил қилиб, ўзбек шоирининг балладалари бадий-тарихийликка таянилганлигига далиллар келтирилди.

Абдулла Орипов ижоди ўзбек лиро-эпик шеъриятида яна бир ёрқин тамойил ривож топаётганлигини кўрсатади. Унчалик катта бўлмаган фрагментар лавҳа, парча шаклидаги шеърлардан, шоирлар йирик хажмли воқеабанд асарлар ёзишга ўтишади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида оригинал ижод соҳиби бўлган қатор назмий тўпламлар муаллифи шоир Азим Суюнни кўрсатишимиз мумкин: “Қалдирғоч”, “Каклик”, “Қари қашқир”, “Қопқон”, “Тўнғиз овида” каби балладаларидан, “Иморат” достонигача бўлган тадрижий ривожланиш бунга мисол бўла олади.

Ўрганишлар Азим Суюн балладаларида бир томондан воқеларни афсоналаштиришга, мифлаштиришга интилиш, бошқа томондан – воқеаларнинг ҳақиқат эканлигига ишонтиришга бўлган ҳаракатни кўрсатди (“Тўнғиз ови” балладасида лирик қаҳрамон-шоир барча воқеаларга шахсан гувоҳ бўлади). Кейинги белги, хусусият билан муайян автобиографизм нуқси сезилиши ҳам боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида воқеа, ҳодисага “ишончни” орттиради. Бунинг барчаси эса, маҳаллий колорит–табиат масаласи, баллада жанрининг назарий поэтикасининг ажралмас хусусияти билан боғланади. Улар моҳиятан Азим Суюннинг балладаларининг ўзига хос такрорланмас бадий хусусиятларини, миллий шеъриятимиздаги жанрнинг ўрганилаётган 70-80-йиллардаги тадрижий умумтараққиёт тамойилларини ҳамда уларнинг муносиб ўрнини белгилаб беради.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “*Миллий ўзига хослик баллада жанрининг муҳим унсури сифатида (У.Азим балладалари асосида)*” деб номланади. 80-йиллар охири ва 90-йиллар ўзбек шеъриятига таъсир қилган маданий-фалсафий ва мафкуравий жараёнда содир бўлган ўзгаришлар, тарихий миллий ўзликни англашдек умум ижтимоий ҳодисалар бутун ижоди каби¹ Усмон Азим балладаларида ҳам ёрқин намоён бўлади. Унинг “Балладалар” туркуми, балладалардан иборат “Тошпариди” поэмасида ижтимоий ҳаёт ва бадий адабиётда Мустақиллик ва унинг арафасида содир бўлган улкан ўзгаришлар ўз ифодасини топади. Унинг йигирмага яқин шеърий китоблари ва “Танланган асарлар, 1, 2-жилдлар” (2016) каби тўпламларига киритилган балладалари ва бошқа лиро-эпик жанрларга мансуб асарлари мавзулар хилма-хиллиги ва жанр хусусиятлари билан ўқувчилар эътиборини тортади. Улар мавзу жиҳатдан ўта кенг ва хилма-хил.

¹ Сувонова Ж. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадий изланишлар. НДА -Тошкент, 2000,22-бет ; Адабиёт – Ватандай муқаддас. Шоир Усмон Азим билан суҳбат. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2018, 9- ноябрь. ва бош., Тажибаев Д. XX асрнинг сўнгги чораги ўзбек шеъриятида поэтик услуб муаммолари. Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссерт.автор. –Фарғона, 2018.; Умирова С. Ўзбек шеъриятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик. (Усмон Азим шеърияти мисолида). Фил. фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссерт.автор. –Самарқанд, 2019. ;

ўтган аср бошларидаги фуқаролар уруши ва янги тузум ўрнатилиши билан боғлиқ воқеаларнинг ретроспектив тасвири, янги инсоннинг пайдо бўлиши, маиший турмуш таассуротлари, балоғатга етиш ва камолот даври, кенг ва серқирра экология тушунчаси муаммолари сингари мавзулардир. Усмон Азимнинг “Безовта тун”, “Чавондоз улоқдан қайтди пиёда” балладаларида кузатилган шарқона пародия усулининг бир кўриниши бўлиб (биринчи асарда сотилган отнинг уйга қайтиб келавериши, иккинчи асарда чавандознинг отга уйни алмаштирмакчи бўлиши каби сюжетларда кузатилади), амалда анъанавий баллада жанрининг назарий поэтикасига хос бўлган хусусиятнинг миллий-ўзига хос материал асосида ишланган, оддий воқеага улкан фалсафий-ижтимоий тус берган.

Бу ҳолни жамият ижтимоий-маданий ҳаётида юз берган туб бурилишлар, Мустақиллик даврининг ижодкорлар олдида янгича ижтимоий-фалсафий ҳамда бадиий-эстетик вазифаларни қўйиши билан изоҳлаш мумкин.

“Мустақиллик даври ўзбек балладаларининг муҳим жиҳатлари (90-йиллар)” деб номланган учинчи боб ҳам икки фаслдан иборат. Биринчи фасл *“Янги маданий-тарихий шарт-шароитда баллада жанри ривожининг умумий тамойиллари”*, - деб номланган бўлиб, унда янги ижтимоий-маданий муҳитда шоирлар баллада жанрининг янги шакллари яратишга, унинг мазмун-моҳиятига ўзгача руҳ бағишлашга ҳаракат қилишганлиги таъкидланди. Аммо 90-йиллар ўзбек балладанавислигида, шеърятимизда жанрнинг ўтган ўн йилликларида бўлгани каби, янги шаклларни-трансформацияларни яратишга интилиш кузатилмайди. Ҳар қандай жанрнинг мазмуни ва шаклидаги *трансформация* янги сифат сатҳига ўтишни, яъни шаклнинг ҳам, мазмуннинг ҳам тубдан *яхлит алмашишини, янгиланишини* англатади, *модификация* эса, мазмун ёки шаклга *оид бирон бир хусусиятдаги* (таъкидлар бизники-А.Э.), белгидаги ўзгаришни назарда тутди. Баллада поэтикасидаги, жанр тизимидаги янги давр шеъряттида содир бўлган ўзгаришларни, янгиланишларни тавсифлаш учун айнан *“модификация-ўзгариш”* тушунчасини қўллаш, назаримизда, бу жараёни илмий таҳлил этишда маъқул кўринади.

У ёки бу даврнинг жанрлари тизимини турли сабаблар билан “катта” жанрлар сирасига кўчганлари белгилайди, яъни улар бошқа жанрларни ўз хусусиятлари билан бойитиб, “бўйсундириб”, асосий, доминант жанрга айланади. Аммо Мустақиллик даврининг биринчи ўн йилликларида, деярлик барча шоирлар ижодида кам миқдорда учраб турсада, баллада ўзбек шеъряттида бундай мавқега эга бўлолмади. Бунга сабаб диссертацияда келтирилган, мунаққидлар санаб ўтган хусусиятлар ҳисобланади. Қ. Йўлдошев¹, У.Ҳамдам² ва бошқа олимларнинг асарларида санаб ўтилган ушбу хусусиятлар ва белгилар ишимиздаги 90-йиллар шеъряттидаги балладалар таҳлили кетма-кетлигидаги мантиқни белгилаб берди.

¹ Йўлдош Қ. Ёниқ сўз.-Т.:Янги аср авлоди, 2006.-Б.168-169.

² Улуғбек Ҳамдам. Янгиланиш эҳтиёжи.-Т.:Фан, 2007.-196 б.

Аксарият сарлавҳасида жанр белгиси қайд этилган асарлар ўтган асрнинг сўнгги чорагидаги каби кўп ҳолларда шунчаки имитация – таклид тарзида ёки муаллифнинг асар ёзилган пайтдаги кучли эмоционал-экспрессив ҳолати таъсирида қўйилганлиги, бундай асарларда баллада жанрининг назарий поэтикасига хос асосий унсур ёки жанр хусусиятларидаги кучли драматизм муаллифнинг муайян пайтдаги ички, рухий кайфиятига мос келиши сабаб ва асос бўлган дейиш мумкин (Муҳаммад Юсуф “Ўзбек”, Сирожиддин Саййид “Болалик балладаси” Н.Душаев “Мих ҳақида баллада”, Н.Остон “Ҳур Ватан ҳақида баллада” ва бошқалар).

Шунингдек, янги маданий-тарихий шарт-шароитда мазмун-моҳияти ва бадиий поэтикаси анъанавий баллада жанри хусусиятларига тўлиқ мос келадиган, бироқ муаллифи томонидан жанр кўрсаткичи, белгиси кўрсатилмаган жуда кўп асарларга дуч келинди (Иқбол Мирзониинг “Содиқ чегачи”, “Даштда”, “Севгилим”, “Учта болажон”, “Деди”, Ҳалим Аҳмедованиннг “Яшил”, “Ўчирғичлар”, “Ўзимга мактуб” ва бошқалар). Бу ҳолат яна муаллифларнинг индивидуал ижодий услублари ҳамда янги замоннинг ижодкорлар олдида қўйган фалсафий-бадиий талаб-эҳтиёжлари таъсирида асарлар яратилганлиги, айрим шоирларнинг бу жанрни ўз ижодий стратегиялари учун белгиловчи-стратегик жанр сифатида идрок этмаганлиги, шеър санъати борасидаги шакл изланишларини ўзига хос кечганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу сабабли тадқиқотда тўқсонинчи ва ундан кейинги йилларда ва баъзилари ҳозирги пайтда ҳам адабий жараённинг фаол ижодкорлари бўлган Рауф Парпи, Чори Аваз, Йўлдош Эшбек, Азиз Саид, Баҳром Рўзимухаммад, Ҳалима Аҳмедова, Фаҳриёр, Рустам Мусурмон ва бошқалар шеъриятида учрайдиган, баллада жанрининг адабий-назарий поэтикаси талабларига тўлиқ ёки муайян даражада жавоб берадиган асарларига мурожаат қилинди.

Жанр белгиси кўрсатилмаганлиги ёки лиризмнинг яққол лиро-эпик асар эканлиги намоён бўлиб турган асарда камдан кам ҳолларда етакчилик қилиши, сўнгги йиллар адабиётшунослигида баллада жанри таҳлилига бағишланган “ўзига хос” тадқиқот муаллифи М. Боллиева илмий ишининг *“Ўзбек лирик жанрлари тараққиёти ва баллада поэтикаси”* деб, ўзбек адабиётида мавжуд шеърӣ жанрлар назарияси ҳақидаги ва умуман адабиётшуносликдаги назарий таълимотлар нуқтаи назаридан ва илмий-услубий жиҳатдан бир оз ғализ тарзда номланишига сабаб бўлгандир. Унинг биз турли манбаларда учратган икки мақоласининг бири Усмон Азимнинг *“Ёмғир ҳақида баллада”* си таҳлилига бағишланиб, *“Балладада туйғу тасвири”* деб номланиши билан балладашуносларнинг жанр назарияси ҳақидаги бир неча асрлик тушунчаларга, илмий қарашларига нисбатан *“шубҳа”* уйғотади, иккинчиси, *“Ғарбона жанрнинг шарқона намунаси”* деб номланиб, миллий адабиётимизда жанр тарихи ва генезиси масаласини биратўла *“ҳал қилади қўяди”* ёки камида, бу муаммо ечимига, жиддий *“ишора қилади”*.¹

¹ Қаранг: Боллиева М. Балладада туйғу тасвири. Ўзбек адабиёти киёсий адабиётшунослик аспектида: таъсир ва типология. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари.-Т.: “Мухаррир” нашриёти, 2013.-

Усмон Азим 90-йиллар охиригача ва ундан кейин ҳам ўз балладаларида анъанавий бадий тарихий хусусиятларни сақлаган ҳолда халқ оғзаки ижодига хос метафоризмдан, маъжозий маънолар тафсилидан фойдаланиб, асарнинг мазмун-моҳиятини кучайтиради ва матн энергетикасининг-таъсир қувватини оширишга эришади; бу давр балладасининг ўзига хос белгисини аниқлаб беради. Азим Суюн ҳам янги даврда балладалар яратишда давом этди. Уларда шоир тарихий шахс (Бодиелдои Самарқандий — самарқандлик Шамолдай Илдим лақабли, моҳир югурик-чопоғон, халқ қаҳрамони Абу Муслимнинг содиқ хизматкори), халқ афсоналари (“Тешиктош афсонаси ва ё андиша хусусида бир ҳақиқат), миллий анъаналар (“Устоз ва шогирд”) ва ижтимоий-маиший (“Идора, уй, стол ва ўлим ҳақида баллада”) мавзуларида асарлар яратади. Бу асарларда шоир ўтган салафлари ижодига хос анъаналарни сақлашга ҳаракат қилади.

